

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ГАИПОВА НОДИРА НИГМАТИЛЛАЕВНА

**ЎСИМЛИК ХОМАШЁСИ АСОСИДА ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ
ТАЪСИРЛИ СТОМАТОЛОГИК ГЕЛ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

15.00.01 – дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (PhD)

Гаипова Нодира Нигматиллаевна

Ўсимлик хомашёси асосида яллиғланишга қарши таъсирли
стоматологик гел технологияси..... 3

Гаипова Нодира Нигматиллаевна

Технология стоматологического геля на основе растительного сырья
противовоспалительного действия..... 21

Gaipova Nodira Nigmatillaevna

Technology of dental gel based on plant raw materials of anti-inflammatory
effect..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ГАИПОВА НОДИРА НИГМАТИЛЛАЕВНА

**ЎСИМЛИК ХОМАШЁСИ АСОСИДА ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ
ТАЪСИРЛИ СТОМАТОЛОГИК ГЕЛ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

15.00.01 – дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Far36 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кариева Ёкут Саидкаримовна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхтаев Хаким Раҳманович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Маматханова Мунираҳон Аҳмадхон қизи
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «14» февраль соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38; факс: (99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2021 йил « 1 » 02 кун тарқатилди
(2021 йил « 1 » 02 даги 14 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.

Н.С.Нормахаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби в/б, к.ф.д.

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, яллиғланиш билан кечадиган оғиз бўшлиғининг касалликлари оғирлик даражасига қараб аҳолининг 2-45% да учрайди, 35-44 ёшлилар орасида эса дунё миқёсида ушбу кўрсаткич 69-98% ни ташкил қилади. Шунинг учун маҳаллий хомашёлардан фойдаланган ҳолда ушбу патологияларда қўлланиладиган дори препаратларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда фармацевтика саноатини ривожланишида янги замонавий технологиялар, асбоб-ускуналарни қўллаган ҳолда ўсимлик хомашёлар асосида дори воситаларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада доривор ўсимлик хомашёсидан биологик фаол моддаларни ажралиб чиқиш кинетикасига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, турли агрегат ҳолидаги экстрактларни олиш, улар асосида математик моделлаштириш усулида дори шакллариининг таркиби ва технологиясини яратиш, сифат меъёрларини ишлаб чиқиш, яроқлилиқ муддатини ва сақланиш шароитларини белгилашни тақозо этмоқда.

Республикамизда табиий хомашёлар асосида дори воситаларни ишлаб чиқарилиши натижасида аҳолини юқори самарали, хавфсиз препаратлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида «фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассаларини арзон, самарали ҳамда сифатли, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада дори воситалар ассортиментини ўсимлик хомашёлар асосида маҳаллий фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариладиган юқори терапевтик самарадорлигига эга, безарар ва иқтисодий жиҳатдан қулай препаратлар билан кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4670-сон, 2020 йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбиотини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4668-сон, 2018 йил 23 январдаги «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3489–сон қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5707–сон фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Доривор ўсимликлар хомашёсидан куруқ экстрактларни олиш, уларни стандартлаш, ушбу экстрактлар асосида турли дори шакллариининг технологиясини ишлаб чиқиш бўйича республикамиз етакчи олимлари У.М.Азизов, М.У.Усуббаев, Х.М.Комиловларнинг илмий изланишлари катта аҳамият касб этади. З.А.Назарова, С.Н.Аминов ва уларнинг шогирдлари томонидан гел дори тури таркиби ва технологиясини илмий асосланган ҳолда танлаш, унинг сифатини баҳолаш, биофармацевтик ва структура механик кўрсаткичларини аниқлаш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Дунё миқёсида бир қатор олимлар ўсимлик экстрактларни технологиясини ишлаб чиқиш, аминокислотали ва элемент таркибини ўрганиш, уларнинг асосида гел таркибини танлаш, фармакологик фаоллигини текшириш, сақланиш муддатини белгилаш бўйича Р.С.Oliveira, R.S. Eshwarappa, A.Velmurugan, E.Noumi, E.B.Гладух, И.Ю.Потороко, В.В.Гордеева, И.Ю.Митрофанова, С.В.Аверьянов, Л.Н.Савченко каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар аҳамиятлидир.

Мазкур диссертация ишида режалаштирилган доривор ўсимликлар композициясидан замонавий усул ёрдамида куруқ экстракт олиш, уни сифат меъёрларини белгилаш, ушбу экстракт асосида гел дори шакли таркиби ва технологиясини илмий асослаш, структура-механик хоссаларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар бугунги кунгача олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимлик ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади яллиғланишга қарши таъсирга эга «Фитоинфлам» куруқ экстрактини олиш ва унинг асосида стоматологик гел дори шакли технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабиётлар таҳлили ҳамда маркетинг изланишлар натижасида табиий хомашёлар асосида стоматология амалиётида қўлланиладиган дори воситаларнинг ассортиментини кенгайтиришнинг долзарблигини илмий асослаш;

доривор ўсимлик хомашёларидан биологик фаол моддаларнинг ажралиб чиқишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш натижаларига асосан куруқ экстракт технологиясини ишлаб чиқиш;

меъёрий ҳужжат талабларига асосан олинган куруқ экстрактнинг сифатини баҳолаш, яроқлилик муддати ва сақланиш шароитларини белгилаш;

математик моделлаштириш усули ёрдамида куруқ экстракт асосида стоматологик гел таркиби ва технологиясини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш;

таклиф этилаётган гел дори шаклининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини меъёрларга мослигини белгилаш, структура-механик хоссаларини ўрганиш;

яллиғланишга қарши таъсирга эга стоматологик гелнинг турғунлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш;

тавсия этилаётган дори препаратларини тиббиётда қўллаш ва ишлаб чиқаришга рухсат олиш учун меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Фитоинфлам» куруқ экстракти ва унинг асосидаги гел дори шакли олинган.

Тадқиқотнинг предмети яллиғланишга қарши таъсирли куруқ экстракт ва унинг асосида гелни олиш технологиясини яратиш, сифат ва миқдорий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни амалга оширишда замонавий технологик, физикавий, физик-кимёвий (спектрофотометрия, титриметрия), биофармацевтик, фармакологик усуллардан ва замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор оддий эман, доривор мойчечак ва ит тиканак хомашёларидан куруқ экстрактни олиш технологияси ишлаб чиқилган, экстракция жараёнининг мақбул шароитлари аниқланган;

«Фитоинфлам» куруқ экстрактининг юқори гигроскопиклик даражаси, бой элемент ва аминокислотали таркиби аниқланган;

«Фитоинфлам» куруқ экстракти асосида гел дори шаклининг таркиби танланган ва уни олишнинг мақбул технологияси ишлаб чиқилган;

«Фитоинфлам» куруқ экстракти ва унинг асосидаги гел дори шаклининг сифат меъёрлари ишлаб чиқилган;

«Фитоинфлам» куруқ экстракти асосидаги гелнинг структура-механик хоссаларини аниқлаш натижасида у деформация кучлари қўлланилганидан сўнг қайта тикланиш хусусиятига эга тиксотроп тизим эканлиги ҳамда ҳарорат ошиши ушбу кўрсаткичларнинг камайишига олиб келиши исботланган;

«Фитоинфлам» куруқ экстракти ва гел дори шакли кўринишидаги препаратнинг яллиғланишга қарши фаоллиги ва безарарлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«Фитоинфлам» куруқ экстракти ва унинг асосида ишлаб чиқилган гелнинг сақланиш шароитлари ва яроқлилик муддати асосланган;

илмий тадқиқот натижасида яллиғланишга қарши таъсирга эга «Фитоинфлам» куруқ экстракти учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган;

«Фитоинфлам» куруқ экстракти учун тажриба саноат регламенти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижалар замонавий статистик таҳлил усулда ва физик-кимёвий, технологик, биофармацевтик, структура-механик, фармакологик текширувлар асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар тажриба саноат ишлаб чиқариш жараёнида синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлардан (*cortex Quercus*, *flores Chamomillae*, *herba Bidentis*) яллиғланишга қарши таъсирга эга комплекс таркибли куруқ экстракт олишнинг мўътадил усулини ишлаб чиқилганлиги, у асосида гел дори шаклининг таркиби танланганлиги ҳамда технологияси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган куруқ экстракт учун тажриба саноат регламенти тасдиқланганлиги, шунингдек «МАКРО FARM ANDIJAN» МЧЖ билан ҳамкорликда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш мақсадида «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга тақдим этилганлиги билан изоҳланади ҳамда унинг тасдиқланиши яллиғланишга қарши импорт ўрнини босувчи стоматологик препаратлар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсимлик хомашёси асосида яллиғланишга қарши таъсирли стоматологик гел технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Фитоинфлам» куруқ экстракти учун «МАКРО FARM ANDIJAN» МЧЖ билан ҳамкорликда корхона фармакопея мақоласининг лойиҳаси ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш тақдим этилган (2020 йил 9 октябрдаги № 29/01-385-сон хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Корхона фармакопея мақоласининг тасдиқланиши натижасида маҳаллий хомашёлар асосида яллиғланишга қарши стоматологик дори воситасини ишлаб чиқиш имконини беради;

«Фитоинфлам» куруқ экстракти учун тажриба саноат регламенти «МАКРО FARM ANDIJAN» МЧЖ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (ОПР-42 Уз-03873/04610617-1097-2020). Мазкур ҳужжатнинг тасдиқланиши натижасида яллиғланишга қарши дори воситаси учун меъёрий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва рўйхатга олиниши таъминланган;

Ўтказилган клиник олди синовлар натижасида «Фитоинфлам» курук экстракти ва унинг асосидаги гел учун специфик фармакологик фаоллиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада яллиғланишга қарши ишончли фаолликга эга ва безарар дори воситаларни ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Доривор ўсимлик хомашёси асосида стоматологик препаратларни ишлаб чиқиш истиқболлари**» деб номланувчи биринчи бобида оғиз бўшлиғининг турли касалликларини олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган доривор ўсимликларнинг аҳамияти ёритилган, дори воситаларни яратишда субстанция сифатида ўсимлик экстрактларни олиш имкониятлари кўриб чиқилган, замонавий экстракция усуллари ва уларни ишлаб чиқаришда қўллаш келтирилган. Шунингдек, ушбу бобда стоматология амалиётида қўлланиладиган дори шакллари ассортиментининг таҳлили олиб борилган ҳамда оғиз бўшлиғи патологияларини даволашда гелларга бўлган талаб асосланган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон фармацевтика бозорида стоматологик препаратлар ва ўсимлик хомашёлари ассортиментини ўрганиш**» деб номланган иккинчи боби маҳаллий фармацевтика бозорида стоматологик препаратлар ва доривор ўсимлик хомашёсини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотларга бағишланган.

Тадқиқот объекти сифатида 2015-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг

Давлат Реестри танлаб олинди. Бунда ҳам маҳаллий, ҳам МДХ ва хорижий мамлакатларнинг дори воситалари кўриб чиқилди (1-жадвал).


Жадвал 1

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ва асосан стоматология амалиётида ишлатиладиган дори воситалар бозорини таҳлили

Давлат Реестри, йил	Жами дори воситалар		Жумладан					
			маҳаллий дори воситалар		МДХ давлатларнинг дори воситалари		хорижий давлатларнинг дори воситалари	
	сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
ДР №19 (2015 й)	11	0,152	0	-	1	0,055	10	0,253
ДР №20 (2016 й)	12	0,156	0	-	1	0,055	11	0,267
ДР №21 (2017 й)	15	0,172	0	-	2	0,114	13	0,290
ДР №22 (2018 й)	17	0,198	0	-	3	0,172	14	0,311

Жадвал 1да келтирилган маълумотларга асосан маҳаллий корхоналар томонидан стоматология амалиётида қўлланиладиган дори воситалар ишлаб чиқарилмайди. 2015-2018 йй. Давлат Реестрида келтирилган ушбу фармакотерапевтик гуруҳга оид фармацевтика маҳсулоти МДХ ва хорижий давлатлардан импорт қилинади; умумий қайд этилган препаратлар ичида уларнинг улуши 0,2% дан ошмаган.

Қайд этилган препаратлар фақат учта дори шаклида келтирилгани кўрсатилган: геллар, эритмалар ва спрейлар. Рўйхатдан ўтган дори воситаларнинг 2/3 қисмида таъсир этувчи моддаси кимёвий йўл билан синтезланган субстанциялар кўринишида, ўсимлик препаратлари эса, халқ табобатида кенг қўлланилишига қарамасдан, оз миқдорни ташкил қилган (расм.1).



Расм.1. Ўзбекистон Республикасида қайд этилган стоматология дори препаратларининг дори шакли (а) ва фаол модда табиати (б) кесимида таҳлили

Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рўйхатдан

ўтказилган доривор ўсимлик хомашёсини таҳлили ўтказилди. Таҳлил қилинган 4 йил давомида ушбу кўрсаткич ошганлиги аниқланди. Жумладан, 2015 й. 27 номдаги ўсимлик хомашёси 68 позицияда қайд этилган; бу маҳаллий дори воситаларнинг умумий сонидан 2,70% ташкил қилган. Кейинги йилларда бу кўрсаткичларлар қуйидагича бўлган: 2016 й.- 35 номда 194 позицияда (11,07%), 2017 й. - 43 номда 366 позицияда (14,72%), 2018 й. - 45 номда 380 позицияда (16,32%).

Олинган маълумотлар маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш учун юқори самарали ва сифатли дори препаратларни яратиш ҳамда уларни маҳаллий ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича тадқиқотлар зарурлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг **«Комплекс таркибли қуруқ экстракт технологиясини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотлар»** деб номланган учинчи бобида қуруқ экстрактни олиш учун мақбул шароитларни танлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Таркибни илмий жиҳатдан асослаш учун Ўзбекистон фармацевтика бозорида мавжуд, яллиғланишга қарши доривор ўсимликларнинг турли нисбатлардаги комбинацияларининг фармакологик скрининги ўтказилган. Натижаларга кўра, қуйидаги таркиб энг юқори терапевтик фаолликни намоён қилган: cortex Quercus, flores Chamomillae, herba Bidentis, 1:1:2 нисбатда.

Кейинги босқич комплекс экстрактни олиш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилди. Қўлланилган уч турдаги ўсимлик хомашёси таркибида биологик фаол моддалар мажмуасини сақлайди, аммо адабиётларда келтирилган маълумотларига кўра, зарур бўлган яллиғланишга қарши таъсирни кўп миқдорда сақланган ошловчи моддалар ва флавоноидлар таъминлайди. Ошловчи моддалар сув билан, флавоноидлар – эса этил спирти билан тўлиқроқ ажралгани сабабли, экстракция жараёни икки хил экстрагент ёрдамида амалга оширилди. Бунда эман пўстлоғидан сувли ажратма олиб, қолган шротни мойчечак ва иттиканак хомашёсининг бўктирилган аралашмасига кўшишга қарор қилинди.

Иккинчи экстрагент сифатида флавоноидларни ажратиб олиш учун этил спирти ишлатилди. Тадқиқот жараёнида биологик фаол моддаларни ажралиб чиқишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш керак эди, булар: экстрагент концентрацияси, хомашё ва экстрагент нисбати, экстракция қилиш усули, ўсимлик хомашёсининг майдалиқ даражаси, ҳарорат ва бошқалар. Оптимал параметрларни танлашда рутинга нисбатан флавоноидлар йиғиндисининг миқдори спектрофотометрия усулида 415 ± 2 нм тўлқин узунлигида аниқланди. Олиб борилган тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Олинган натижалар асосида қуруқ экстрактнинг қуйидаги технологияси таклиф этилди: 5-7 мм гача майдаланган мойчечак гули ва иттиканак ўти аралашмаси 70% этил спиртининг ярими билан «ойнали юза» ҳосил бўлгунча бўктирилади. Эман пўстлоғига 20 баробар тозаланган сув солинади ва 40 дақиқа давомида қайнатилади. Ушбу вақтдан сўнг ажратма дарҳол сузилади, шрот эса қуритгич шкафида ҳарорат 50°C дан оширилмаган ҳолда қуритилади

ҳамда мойчечак ва иттиканак хомашёсининг намланган аралашмасига кўшилади.

Жадвал 2

Турли омилларга нисбатан флавоноидлар йиғиндисини этанолли ажратмага чиқиш натижалари

Омил	Омил кўрсаткичи	Рутинга нисбатан флавоноидлар йиғиндисининг миқдори
Этил спиртининг концентрацияси	40%	2,17±0,027%
	70%	2,34±0,041%
	90%	2,38±0,022%
Хомашёнинг майдалик даражаси	2-4 мм	2,46±0,034%
	5-7 мм	2,34±0,026%
	8-10 мм	2,20±0,038%
	11-13 мм	2,18±0,019%
Гидромодуль	1:5	2,15±0,021%
	1:10	2,36±0,019%
	1:15	2,39±0,028%
Экстракция қилиш усули	перколяция усули	2,36±0,042%
	реперколяция усули	2,60±0,038%
	циркуляцион экстракция усули	2,88±0,034%
Ҳарорат	40 °С	2,93±0,023%
	60 °С	3,11±0,017%
	80 °С	3,16±0,030%
	100 °С	3,19±0,028%
Ультратовуш таъсири	мавжуд	3,11±0,025%
	мавжуд эмас	3,34±0,032%

Бўктирилган хомашё ва 70% этил спиртининг қолган миқдори экстракторга солинади, аралашма 60 °С иситилади ва «Ruian Xuanli Machinery Tank» экстракторида циркуляцион экстракция амалга оширилади. Сўнг ультратовуш ёрдамида 10 дақиқа экстракция қилинади. Ушбу жараён тугаганидан сўнг этанолли суюқ экстракт филтрдан ўтказиш орқали куйиб олиниб, эман пўстлоғининг сувли экстрактига кўшилади ва тиндириш учун 24 соатга қолдирилади. Кейинчалик, бирлаштирилган суюқ экстракт қайта филтрланади ва «LPG-15 Spray Drier» юқори тезликли пуркагич қуритгичида қуритилади (Ruian Xuanli Machinery Co., LTD).

Олинган қуруқ экстракт шартли равишда «Фитоинфлам» деб номланди. Ушбу технология «МАКРО FARM ANDIJAN» МЧЖда синовдан ўтказилган.

Таҳлил қилинаётган қуруқ экстрактнинг сифати қуйидаги фармакопоя мақолалари талабларига мувофиқ текширилди: «Экстрактлар» (ДФ XI, т.2.; ДФ XIII, ОФС.1.4.1.21), «Extracts» (European Pharmacopoeia, 9th edition) ва б.

Жадвал 3да «Фитоинфлам» қуруқ экстрактининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари, жадвал 4 да эса таъсир этувчи моддаларнинг миқдори ва уларнинг метрологик тавсифи келтирилган.

**Таҳлил қилинаётган куруқ экстрактнинг сифат кўрсаткичларини
аниқлаш натижалари**

№	Аниқланган кўрсаткич	МХ бўйича меъёрлари	Олинган натижалар
1	Ташқи кўриниши	Ўзига хос хидга ва мазага эга яшил тусли жигарранг аморф гигроскопик порошок	мос
2	Чинлиги	<i>Ошловчи моддалар.</i> Экстрактнинг 10 мл спиртли эритмасига бир неча томчи темир аччиқтош эритмаси қўшилади, ўзига хос қора-яшил ранг пайдо бўлиши керак	мос
		<i>Рутин.</i> Экстрактнинг 1-2 мл сувли эритмасига темир хлориди эритмасидан бир неча томчи қўшилади, яшил ранг пайдо бўлиши керак	мос
3	Қуритилганда йўқотилган оғирлик	5% кўп эмас	3,93%
4	Оғир металлар	Текширилаётган эритмада пайдо бўлган ранг, эталон эритма рангидан тўқ бўлмаслиги керак	мос
5	Микробиологик тозалиги	1 г куруқ экстрактда аэроб микроорганизмларнинг умумий сони 10^4 КОЕ дан, замбуруғларнинг сони - 10^2 КОЕ дан, сафрога чидамли энтеробактериялар 10^2 КОЕ дан кўп бўлмаслиги керак. Шунингдек <i>Pseudomonas aeruginosa</i> , <i>Staphylococcus aureus</i> , <i>Escherichia coli</i> учрамаслиги керак. 25 г куруқ экстрактда <i>Salmonella</i> авлодига мансуб бактериялар бўлмаслиги керак.	мос

**Таҳлил қилинаётган куруқ экстрактдаги биологик фаол моддаларнинг
миқдорини аниқлаш натижалари (n=5)**


Тортма, г	Биологик фаол моддаларнинг топилган миқдори, %	Метрологик тавсиф
Ошловчи моддалар		
0,2016	16,24	$X_{\text{ўрт}}=16,03$ $f=4$ $T(95\%,4)=2,78$ $S^2=0,141$ $S=0,376$ $S_x=0,168$ $e_{\text{ўрт}}=2,91\%$
0,2103	16,53	
0,1992	15,63	
0,2054	15,70	
0,2031	16,07	
Рутинга нисбатан флавоноидлар йиғиндиси		
0,4960	3,34	$X_{\text{ўрт}}=3,37$ $f=4$ $T(95\%,4)=2,78$ $S^2=0,005$ $S=0,072$ $S_x=0,032$ $e_{\text{ўрт}}=2,65\%$
0,5104	3,27	
0,5063	3,38	
0,5017	3,41	
0,4982	3,46	

Ўтказилган тадқиқот натижалари аниқланган кўрсаткичлар МХ талабларига мос келишини исботлади.

Тажрибаларнинг алоҳида босқичида комплекс таркибли куруқ экстрактнинг гигроскопиклик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Изланишлар иккита усулда олиб борилди: Европа Фармакопеясида келтирилган усул (Ph.Eur.7.0, vol.1 general texts 5.11) ҳамда С.А.Носовицкая ҳаммуалифлари билан бирга таклиф этган гравиметрик усулда.

1-усулдан фойдаланганда, белгиланган вақтдан сўнг, ўрганилаётган намуна 27,81% намликни ютди. Олинган натижалар Европа фармакопеясига (Ph.Eur.7.0, vol.1 general texts 5.11) мувофиқ қуйидагича талқин этилади: таҳлил қилинаётган куруқ экстракт «ўта гигроскопик» (15% ва ундан кўпроқ намликни ютади).

Иккинчи усул бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинаётган куруқ экстрактни ташқи муҳитнинг намлиги ва намунанинг юзасига бевосита боғлиқ бўлган юқори гигроскопиклигини кўрсатади (2-расм). Ушбу натижалар экстрактни сақлаш пайтида, шунингдек унинг асосидаги дори шакллари технологиясини ишлаб чиқиш ва сақлаш шароитларини белгилашда инобатга олиниши керак.



Расм. 2. «Фитоинфлам» куруқ экстрактининг нам ютиш кинетикасини ташқи муҳитнинг намлиги (а) ва намунанинг юзасига (б) боғлиқлиги

Доривор ўсимликларнинг қиймати уларнинг таркибига кирадиган ва фармакотерапевтик таъсирни таъминлайдиган биологик фаол моддалар мажмуасига боғлиқ. Ушбу БФМнинг гуруҳларидан бири аминокислоталар бўлиб, улар инсон организмга ўзига хос таъсирдан ташқари, аксарият биологик фаол моддалар - флавоноидлар, алкалоидлар ва бошқаларнинг биогенетик салафлари ҳисобланади.

«Фитоинфлам» комплекс таркибли куруқ экстрактнинг аминокислотали таркибини ўрганиш натижасида 20 та аминокислота аниқланди: улардан 15 таси алифатик аминокислоталарнинг турли синфлари вакиллари, 3 таси - ароматик ва 2 таси - гетероциклик. Шунини таъкидлаш керакки, топилган

йигирмата аминокислоталарнинг ўнтаси алмаштириб бўлмайдиган бўлиб, бу олинган куруқ экстрактнинг юқори қийматини тасдиқлайди.

Энг кўп миқдорда пролин (3,723 мг/100 мг), валин (1,497 мг/100 мг), аланин (1,112 мг/100 мг), аргинин (0,970 мг/100 мг), цистеин (0,909 мг/100 мг) ва глутамин (0,889мг/100 мг) аниқланган. Аминокислоталарнинг умумий миқдори 14,767 мг/100 мг ни ташкил этди, шундан 38,97% алмашиб бўлмайдиган аминокислоталарга ва шунга мувофиқ 61,03% алмашадиганларга тўғри келди.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида «Фитоинфлам» куруқ экстрактининг элемент таркиби ўрганилди: аниқлаш индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия усулида (ICP MS) олиб борилди. Олинган маълумотларга кўра, таҳлил қилинган куруқ экстракт таркибида 28 та элемент аниқланган: улардан 7 таси эссенциал (Co, Cr, Cu, Fe, Mn, Se, Zn), яъни ҳаётий муҳим ва 4 та шартли эссенциал (шартли ҳаётий муҳим) (Li, Ni, V, As). Топилган элементлар орасида 100 дан 1000 мг/кг гача бўлган концентрацияда 3 та элемент (Ca=196,5329 мг/кг, K=158,3469 мг/кг, Na=124,8336 мг/кг), 10 дан 100 гача - 3 та элемент (Mg=52,7207 мг/кг, Ag=35,06 мг/кг, Sr=11,5652 мг/кг), 1 дан 10 мг/кг гача - 5 та элемент (Al=5,5983 мг/кг, Fe=4,3301 мг/кг, Cu=2,4858 мг/кг, Zn=2,3705 мг/кг, Ba=1,4231 мг/кг) ва 1 мг/дан кам – 17 та элемент мавжуд.

Шу билан бирга, «Фитоинфлам» куруқ экстрактидаги оғир металлар ва маргимуш миқдори ГФ XIII да рухсат этилган максимал миқдордан кўп эмаслиги аниқланди.

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлил қилинаётган «Фитоинфлам» куруқ экстрактининг микро- ва макроэлементлар манбаи сифатида қийматини тасдиқлайди.

Қуруқ экстракт олишнинг технологиясини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан, уни ишлаб чиқариш учун тажриба-саноат регламенти тасдиқланган. Шунингдек, куруқ экстрактга корхона фармакопея мақоласи тузилган ва бугунги кунда ЎзР ССВнинг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКда кўриб чиқиш жараёнида.

Диссертациянинг **«Яллиғланишга қарши гел технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган тўртинчи боби «Фитоинфлам» куруқ экстракти асосида аппликацион дори шаклини яратиш учун ёрдамчи моддалар мажмуасини илмий асослашга ҳамда унинг сифати ва структура-механик кўрсаткичларини ўрганишга бағишланган.

Адабиёт манбаларини ўрганиш натижасида «Фитоинфлам» куруқ экстрактини сақлаган гел таркибини танлашда такрорий кузатувли икки омилли дисперсион таҳлил усулини қўллашга қарор қилинди. Тадқиқотларда *in vitro* тажрибаларида ошловчи моддалар ва флавоноидларни ажралиб чиқишига гел хосил қилувчини тури ва концентрацияси (А омил) ҳамда пластификатор турини (В омил) таъсири ўрганилди. Омиллар ва уларнинг даражалари 5-жадвалда келтирилган.

Тажрибаларда қўлланилган омиллар ва уларнинг даражалари

Омиллар ва даражалар	Ёрдамчи моддаларнинг номи	МХ
Гел хосил қилувчилар		
a ₁	аэросил 5%	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 0434, 2013
a ₂	аэросил 7%	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 0434, 2013
a ₃	карбомер 1%	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 1299, 2013
a ₄	карбомер 1,5%	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 1299, 2013
a ₅	натрий кармеллозаси 3,5%	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 0472, 2013
a ₆	натрий кармеллозаси 4%	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 0472, 2013
a ₇	полиэтиленгликоль 1,5%	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 1444, 2013
a ₈	полиэтиленгликоль 2%	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 1444, 2013
Пластификаторлар		
b ₁	сорбитол эритмаси	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 0437, 2013
b ₂	пропиленгликоль	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 0430, 2013
b ₃	глицерин	British Ph. 2016, Ph Eur monograph 0496, 2013

Дунканнинг кўп даражали мезонидан фойдаланиб, гел хосил қилувчиларнинг ошловчи моддаларни ажралиб чиқишига таъсирини ўрганиш натижасида уларни қуйидаги қатор кўринишида келтириш мумкинлиги аниқланди: $a_5(a_4, a_3, a_6) > a_8(a_7) > a_1(a_2)$, флавоноидлар учун эса ушбу қатор қуйидагича бўлди: $a_5 > a_6 > a_3 > a_4 > a_7(a_1, a_2) > a_8$. Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, «Фитоинфлам» куруқ экстракти асосидаги гел учун энг истиқболли гел хосил қилувчи натрий кармеллоза эканлиги аниқланди: бу ёрдамчи модда қўлланилганда ҳар иккала ҳолатда ҳам биологк фаол моддаларнинг ажралиб чиқиши максимал даражада бўлган. Полиэтиленгликоль ва аэросил эса келтирилган концентрацияларда ушбу жиҳатда қониқарсиз бўлди.

Пластификаторларни ўрганиш шуни кўрсатдики, ишлатилган учта ёрдамчи моддаларнинг таъсири сезиларли даражада фарқ қилмади. Шу билан бирга, даражаларнинг ўзаро таъсирини баҳолашда натрий кармеллоза пропиленгликол ва глицерин билан бирга ижобий натижалар берганлиги кўрсатилди. Ушбу намловчи агентларнинг бирини танлашда эса уларнинг осон топилиши ва тежамкорлигига асосланиш мумкин.

Кейинги тадқиқотларда пластификатор сифатида глицериндан фойдаланишга қарор қилинди. Унинг миқдори эмпирик тарзда танланди. Нипагин консервантининг концентрацияси гелдаги микроорганизмларни кўпайишини олдини оладиган минимал миқдорини ҳисобга олган ҳолда танланди. Олинган натижалар асосида қуйидаги таркибда гел композицияси тайёрланди:

«Фитоинфлам» куруқ экстракти -10,0 г


Натрий кармеллозаси -3,5 г

Глицерин -8,0 г

Нипагин – 0,15 г

Тозаланган сув - 100,0 г гача

Гел олишининг технологик чизмаси расм. 3 да келтирилган



Расм.3. «Фитоинфлам» қуруқ экстракти асосидаги гелнинг технологик жараёни чизмаси

Ишлаб чиқилган гелнинг сифат назорати қуйидаги фармакопея мақолалари талабларига мувофиқ амалга оширилди: «Суртмалар» (ДФ XI, т.2.; ДФ XIII, УФМ.1.4.1.0008.15), «Semi-solid preparations for cutaneous application» (European Pharmacopoeia, 9th edition) ва б.

Гелнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари


№	Аниқланган кўрсаткич	Аниқлаш усули (МХ)	Спецификация	Олинган натижалар
1	Ташқи кўриниши	Органолептик усул	Ўзига хос хидга эга жигарранг бир хил гел	мос
2	Чинлиги	<i>Ошловчи моддалар.</i> Ошловчи моддаларни аниқлаш учун рангли реакция	10 мл гел ажратмасига темир аччиқтош эр-дан бир неча томчи томизилади, қора-яшил ранг пайдо бўлиши керак	мос
		<i>Рутин.</i> Темир хлорид эритмаси билан реакция	1-2 мл гел ажратмасига темир хлориди эритмасидан бир неча томчи томизилади, яшил ранг пайдо бўлиши керак.	мос
3	Бир хиллиги	Органолептик усул (ХI ДФ, жилд 2.)	Препарат бир хилликка эга бўлиши керак	мос
	Коллоид-турғунлик	Центрифугирлаш усули (ГОСТ 29188.3-91)	1500 айл/дақ тезликда центрифугирланганда 5 дақ. давомида қаватларга ажралмаслиги керак	мос
	Термо-турғунлик	Термостатлаш усули (ГОСТ 29188.3-91)	6 соат давомида $40 \pm 2^{\circ}\text{C}$ да термостатлашда қаватларга ажралмаслиги керак	мос
	Сувли ажр-нинг рН кўрстакичи (1:10)	Потенциометрик усул (Евр. Фарм., тест 2.2.3.)	5,0 дан 7,0 гача	6,15
4	Қиздирилганда йўқотилган оғирлик	Қуриштиш усули (УФМ.1.2.1.0010.1)	14% ошмаслиги керак	11,03
5	Микдорий таҳлил	<i>Ошловчи моддалар.</i> Перманганатометрик титрлаш усули (УФМ.1.5.3.0008.15, усул 1)	8% кам эмас	9,7%
		<i>Рутинга нисбатан флавоноидлар йигиндиси.</i> Спектрофотометрия усули	2,5% кам эмас	2,74%

Жадвал бда келтирилган натижаларга кўра, комплекс таркибли ўсимлик экстракти асосида олинган гел сифат ва микдор кўрсаткичлари бўйича МХ томонидан қўйилган талабларга жавоб беради.

«Фитоинфлам» куруқ экстракти асосидаги гелнинг структура-механик параметрларини ўрганиш шуни кўрсатдики, тезлик градиентини $\gamma \sim 160 \text{ c}^{-1}$ бўлган кўрсаткичгача ошиши қовушқоқликни деярли бир хил пасайишига олиб келди, сўнг пасайиш сезиларли бўлмади. Яъни «Фитоинфлам» куруқ экстракти асосидаги гелнинг бирламчи структурасининг бўзилиши $\gamma \sim 160 \text{ c}^{-1}$

га тенг бўлган кўрсаткичгача молекулалараро боғларнинг узилиши натижасида келиб чиқмоқда.

Тиксотропик хусусиятини намоён этиш мақсадида 4-чи расмда тезлик градиентини сурилиш таранглигига боғлиқлиги келтирилган.



Гистерезис ҳалқаларнинг мавжудлиги таҳлил қилинаётган гелнинг тиксотропик хусусиятини исботлайди, бу эса унинг яхши сурилиши ва тубалардан экструзияга бўлган қобилятининг гаровидир. Такдим этилган маълумотлар ўрганилаётган гелнинг тиксотроп хоссаларининг қайтарувчанлигини кўрсатади, яъни тизим бузилишидан сўнг улар қайта тикланиш қобилятига эга. Шунингдек, гелнинг тиксотроплиги 1,14га тенг бўлган механик барқарорлик кўрсаткичи билан тасдиқланган.

Гелнинг динамик оқиш коэффицентлари $Kd_1=31,03\%$; $Kd_2=72,19\%$ га тенг бўлиб, таклиф этилган таркиб ва технология бўйича олинган аппликацион дори шакли тери юзасига ва шиллиқ қаватларга қўллаш учун қулайлигини ҳамда технологик жараён вақтида бир текис тарқалишини исботлайди.

Тезлик градиентини нолга экстраполяция қилиш орқали ҳарорат омилининг динамик қовушқоқликка таъсирини ўрганиш, «Фитоинфлам» куруқ экстракти асосидаги гелни 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлашни тавсия қилиш мумкинлигини кўрсатди.

Олинган «Фитоинфлам» куруқ экстракти ҳамда уни асосидаги стоматологик гелни специфик фаоллиги ва ўткир токсиклигини ўрганиш бўйича изланишлар «Dori vositalarini Standartlash Ilmiy Markazi» МЧЖнинг илмий тадқиқот бўлимини фармако-токсикологик лабораториясида ўтказилди. Олинган натижалар ишлаб чиқилган дори воситаларнинг безарарлиги ва солиштирма-препаратларнинг терапевтик самарадорлиги билан таққослана оладиган яққол намоён бўлган яллиғланишга қарши фаоллигини исботлади.

Диссертациянинг «Куруқ экстракт ва стоматология амалиётида қўлланиладиган гелнинг турғунлигини ўрганиш» деб номланган бешинчи бобида табиий сақлаш шароитида (узоқ муддатли тадқиқотлар) $21\pm 2^{\circ}\text{C}$

ҳароратда уларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларининг турғунлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар келтирилган. Тажриба намуналари қўллашга руҳсат этилган турли қадоқлов материалларига қадоқланган. Олинган натижаларга асосан «Фитоинфлам» куруқ экстракти ва стоматологик гел учун яроқлилик муддати 2 йилга тенг деб белгиланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика бозорини таҳлили стоматология амалиётида қўлланиладиган маҳаллий препаратларнинг етарли ишлаб чиқилмаслигини ҳамда қайд этилаётган ўсимлик хомашёси миқдори йилдан йилга ортиб бораётганини кўрсатди; яъни маҳаллий доривор ўсимликлар асосида оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш учун препаратларни ишлаб чиқишнинг долзарблиги белгиланди.

2. Илк бор биологик фаол моддаларнинг ажралиб чиқиш кинетикасига турли омилларнинг (экстрагент тури ва концентрацияси, хомашёни майдалик даражаси, гидромодуль, экстракция усули, ҳарорат, кўшимча босқичларни киритиш) таъсирини ўрганиш натижаларига асосан cortex Quercus, flores Chamomillae, herba Bidentis композициясидан «Фитоинфлам» куруқ экстрактини олиш технологияси таклиф этилди. Ишлаб чиқилган технология корхона шароитида «МАКРО FARM ANDIJAN» МЧЖ базасида синовдан ўтказилди, натижалар асосида тажриба-саноат регламенти тасдиқланди ва куруқ экстракт ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

3. «Фитоинфлам» куруқ экстракти асосида гел технологиясини ишлаб чиқишда гел хосил қилувчи ва пластификаторни танлаш такрорий кузатувлар билан икки факторли 8x3 дисперсион таҳлил усули ёрдамида олиб борилди ва стоматология амалиётида қўлланиладиган гелнинг таркиби ва технологияси таклиф этилди.

4. «Фитоинфлам» куруқ экстракти ва унинг асосидаги гелнинг сифат меъёрларини аниқлаш биологик фаол моддаларнинг миқдори ҳамда сифат кўрсаткичлари бўйича олиб борилди. Комплекс таркибли экстрактнинг юқори гигроскопиклик даражаси, бой аминокислотали ва элемент таркиби белгиланди.

5. Ишлаб чиқилган гелнинг структура-механик хоссаларини ўрганиш натижасида ушбу дори шакли ҳарорат омилига тескари пропорционал боғлиқликдаги эластик-қовушқоқ-пластик ва тиксотроп хусусиятларига эга дисперс тизим эканлиги белгиланди. Механик барқарорлик ва динамик оқим коэффицентларининг қийматларини ҳисоблаш натижасида терига ва шиллик пардаларга қўллаш ҳамда тайёрлаш вақтида гелнинг қониқарли даражада тарқалиши тасдиқланди.

6. «Фитоинфлам» куруқ экстракти ва унинг асосидаги гелнинг клиник олди фармакологик тадқиқотлари «Dori vositalarini standartlash Ilmiy Markazi» МЧЖда ўтказилди. Махсус тестлар ёрдамида солиштирма-препаратларга қиёсий ўтказилган тадқиқотларда ишлаб чиқилган дори воситаларининг юқори яллиғланишга қарши фаоллигини белгиланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ГАИПОВА НОДИРА НИГМАТИЛЛАЕВНА

**ТЕХНОЛОГИЯ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО ГЕЛЯ НА ОСНОВЕ
РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНОГО
ДЕЙСТВИЯ**

15.00.01 – технология лекарств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/Far36

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Кариева Ёкут Саидкаримовна
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: Тухтаев Хаким Рахманович
доктор фармацевтических наук, профессор
Маматханова Мунирахон Ахмадхон кизи
кандидат технических наук

Ведущая организация: Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «17» Февраль 2021 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 14). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «1» 02 2021 года.

(Регистр протокола рассылки № 14 от «1» 02 2021 г.).



К.С.Ризаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ш.С.Пормахаматов

И.о. ученого секретаря научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н.

Ф.Ф.Урманова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения воспалительные заболевания полости рта в зависимости от степени тяжести встречаются у 2-45% населения, а среди 35-44-летних этот показатель во всем мире составляет 69-98%. Учитывая вышеизложенное, разработка применяемых при данных патологиях лекарственных препаратов с использованием местного сырья имеет важное значение.

Во всем мире в сфере фармацевтической промышленности ведутся научные исследования по созданию лекарственных препаратов на основе растительного сырья с использованием новых современных технологий и оборудования. В связи с этим необходимо изучение факторов, влияющих на кинетику высвобождения биологически активных веществ из лекарственного растительного сырья, получение экстрактов в различных агрегатных состояниях, применение метода математического моделирования при подборе состава и технологии лекарственных форм, определение норм качества, установление сроков годности и условий хранения.

В республике особое внимание уделяется достижению определенных результатов по производству лекарственных средств на основе природного сырья и обеспечению населения высокоэффективными, безопасными препаратами. В четвертом направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годах были определены такие важные задачи, как «дальнейшее развитие фармацевтической промышленности, совершенствование обеспечения населения и лечебно-профилактических учреждений дешевыми и эффективными лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения»¹. В этой связи важное значение имеет расширение ассортимента лекарственных средств с высокой терапевтической эффективностью, безвредных и экономически доступных, производимых на основе растительного сырья на отечественных фармацевтических предприятиях.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4670 от 10 апреля 2020 года «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов», УП-4668 от 10 апреля 2020 года «О дополнительных мерах по развитию народной медицины в Республике Узбекистан», УП-3489 от 23 января 2018 г «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-5707 от 10 апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Народное слово», 8 февраля 2017 года

2019-2021 годах», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В области получения сухих экстрактов из сырья лекарственных растений, их стандартизации, разработки технологии различных лекарственных форм на основе этих экстрактов особое значение имеют научные исследования ведущих ученых республики У.М. Азизова, М.У.Усуббаева, Х.М. Комилова. Исследования по научно обоснованному подбору состава и технологии гелевых лекарственных форм, оценке их качества, определению биофармацевтических и структурно-механических показателей широко описаны в работах З.А. Назаровой, С.Н. Аминова и их учеников.

В мировом масштабе заслуживают внимания исследования, проводимые Р.С.Oliveira, R.S. Eshwarappa, A.Velmurugan, E.Noumi, Е.В.Гладух, И.Ю.Потороко, В.В.Гордеевой, И.Ю.Митрофановой, С.В.Аверьяновым, Л.Н.Савченко и др. в области разработки технологии получения растительных экстрактов, изучения их аминокислотного и элементного состава, подбора состава геля на их основе, изучения фармакологической активности, установления срока годности.

Запланированные в данной диссертационной работе научные исследования по получению сухого экстракта из композиции лекарственных растений циркуляционным методом, установлению норм качества, научному обоснованию состава и технологии гелевой лекарственной формы на основе данного экстракта, изучению ее реологических свойств ранее не проводились.

